Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 98 (20.365) • 1989 йил 26 апрель, чоршанба • Баҳоси 3 тийин.

ОРБИТАДАН ДАРАКЛАР

Учишни бошқариш маркази, 25 апрель (ТАСС). Александр Волков, Сергей Крикалев ва Валерий Поляковларнинг космик вахтаси ниҳоясига етмоқда.

Экипаж илмий программанинг якунловчи экспериментларини бажармоқда, ўтказилган тадқиқотларнинг натижаларни акс этган материалларни ерга қайтаришга тайёргарлик кўрмоқда. Космонавтлар орбитадан тушишга тайёргарлик режасига мувофиқ медицина кўригидан, жумладан «Чибис» либосини кийиб, машқ давомида кўрикдан ўтмоқдалар.

«Рентген» халқаро программасига кўра, астрофизик тадқиқотлар давом эттирилмоқда. 24 апрель куни геркулес буржидаги рентген пульсаридан келаётган нурланиш қайд этилди, бугун эса орбитадан обсерватория телескопларн оққуш Х-1 рентген манбанга қаратилади.

Космонавтлар учишнинг якунловчи босқичида вазнсизлик ҳолатида олий ўсимликларни етиштириш технологиясини янада пишиқтириш юзасидан биологик экспериментлар туркумини бажарадилар. «Светоблок-М» ва «Усиш-4М» қурилмаларида буғдой ва арабидопсис ўсимлигининг етилиши тадқиқ этилмоқда, космик оранжереялардан бирида эса Совет — Француз экипажи орбитал комплексга олиб келган орхидейлар ўсиб турибди.

Ерга қайтишга тайёргарлик нормал бормоқда. Александр Волков, Сергей Крикалев ва Валерий Поляков ўзларини яхши ҳис этмоқдалар.

Биринчи Май шарафига

СУРЪАТ КЎТАРИЛМОҚДА

Амударё райони заршуносларн бу йил она—Ватанга 58200 тонна пахта ва кўплаб бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотишга аҳд қилишган. Улар бу йил баҳорнинг паст келганига қарамай қулай дамлардан унумли фойдаланган ҳолда чигит экишни уюшқоқлик билан олиб боришаётир. Крупская номли колхоз Ўмирбой Алмағамбетов, Комил Бобожонов бошлиқ юқори ҳосилли бригадалари далаларида айниқса иш қизғин. Шу бригадаларнинг Қодирбой Болтабоев, Рўзимбой Тожибоев каби механизаторлари кунига 7—8 гектар майдонга чигит экиб, мусобақада олдинда бормоқдалар.

— Колхозимиз аъзолари 1120 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 30 центнердан ҳосил кўтариш юзасидан социалистик мажбурият қабул қилишган, — деди колхоз раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ойимхон Камолова. — Эртаиндин чигит экиш ҳамма бригадаларда ёппасига бошлаб юборилади. Чигит экишни 15—17 иш кунида якунлаш учун 16 та ҳайдов трактори, 16 та плуг, 14 та сеялка жалб этилади. Кунига 95—110 гектар майдонга чигит экишга эришамиз. Эртаки сабзавот, дон учун маккажўхори экиш ҳам кучайтириб юборилади.

Райондаги «Партия XXII съезди», «Коммунизм», «Ленинизм», Ленин номли, «Оқ олтин» колхозларида, шунингдек, Максим Горький номли, «Мангит», «Қипчоқ» совхозларида ҳам ерга барака уруғи қадаш суръати кун сайин кўтарилмоқда.

Р. ЕШИМБЕТОВ.



Янгича ишлаб

Тошкентдаги «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси цехларида меҳнат сурури ўзгача. Меҳнаткашларнинг Халқаро бирдамлик куни — 1 Май шарафига социалистик мусобақа авж олдириб юборилган. Нотўқима материаллар цехи аъзолари мусобақада байроқдор бўлишяпти.

— Корхонада ўн йилдан бери ишлаб келмоқдаман, — дейди Муяссар Шомансурова. — Шу йиллар ичида корхонамизда хўжалик юритишнинг истиқболли йўлларини топишга эътибор кучайтирилянти. Бундан ўч-тўрт йил олдин маҳсулотимиз сифати элга унчалик манзур эмас эди. Ҳозир эса манзара тамомила ўзгача. Янги маҳсулот тайёрлаш борасида инженердан тортиб ишчигача ҳаммамиз изланамиз. Иш вақтидан унумли фойдаланиш, резервларни қидириб топиш ҳам эътиборимиздан четда қолмаянти. Ана шу омиллар ютуқларимиз гарови бўлянти.

Суратда: илғор ишчи М. Шомансурова.

Т. КАРИМОВ фотоси.

ЖУРНАЛИСТЛАРНИНГ МУҲИМ ВАЗИФАЛАРИ

25 апрель куни Тошкентда бўлган кенгашда республика оммавий ахборот воситалари олдида турган долзарб вазифалар тўғрисида гап борди. Ўзбекистон Журналистлар союзи правлениесининг раиси А. Ғ. Мухторов доклад қилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Идеология бўлимининг мудири Ш. С. Зиёмов кенгаш қатнашчилари ҳузурида нутқ сўзлади.

Кенгаш қатнашчилари — область партия комитетлари идеология бўлимларининг мудирлари, республика ва область газеталарининг редакторлари, телевидение ва радиокомитетларининг раислари оммавий ахборот воситаларининг шу йилнинг ўтган давридаги ишини таҳлил қилдилар, фикрлашдилар, КПСС Марказий Комитети 1989 йил март Пленумининг қарорларини амалга оширишга доир вазифаларни белгилаб олдилар.

(ЎзТАГ).

МОСКВАДАГИ УЧРАШУВЛАР

Ҳозир Москвадаги 30 дан ортиқ олий ўқув юртида, СССР Фанлар академияси институтларининг аспирантураси, ординатураси, докторантурасида, КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Ижтимоий фанлар академиясида, Москва Олий партия мактабида, комсомол Марказий Комитети ҳузуридаги Олий комсомол мактабида Ўзбекистоннинг бир ярим минг вакили ўқимоқда. Улар яқин орада республикамизга чуқур профессионал тайёргарликдан ўтган, ғоявий-сиёсий етук, ташкилотчилик, бошқарув фаолияти кўникмаларини ҳосил қилган юксак малакали мутахассислар сифатида қайтиб келадилар ва қайта қуриш ишига фаол кўшиладилар.

Ватанимиз пойтахти корхоналарида Ўзбекистондан борган 2,5 мингдан ортиқ йигит ва қиз — илмий техника тараққиётининг бориши ва йўналишини белгилаб берадиган етакчи машинасозлик ва кўплаб оммавий ишчи касбларининг вакиллари меҳнат таълими олмоқдалар.

24 апрель куни СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Ўзбекистон ССР Доимий ваколатхонасида, Лихачев номли ва Ленин комсомоли номли автозаводларда, «1-давлат подшипник заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасида, Ломоносов номли Москва давлат университетида, Ленин номли Москва давлат педагогика институтида республика ва областлар раҳбарларининг Москвада таълим олаётган ва ишлаётган республика вакиллари билан учрашувлари бўлди. Бу учрашувларда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Н. Нишонов, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси М. И. Иброҳимов, республика Министрлар Советининг раиси Ғ. Ҳ. Қодиров, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Ижтимоий фанлар академиясида, Москва Олий партия мактабида, комсомол Марказий Комитети ҳузуридаги Олий комсомол мактабида Ўзбекистоннинг бир ярим минг вакили ўқимоқда. Улар яқин орада республикамизга чуқур профессионал тайёргарликдан ўтган, ғоявий-сиёсий етук, ташкилотчилик, бошқарув фаолияти кўникмаларини ҳосил қилган юксак малакали мутахассислар сифатида қайтиб келадилар ва қайта қуриш ишига фаол кўшиладилар.

Учрашувларда республикада қайта қуришнинг бориши, КПСС XXVII съезди ва XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси ҳамда КПСС Марказий Комитети кейинги Пленумларининг қарорлари қандай бажарилаётганлиги ҳақида, Ўзбекистон ССР-ни социал-иқтисодий ривожлантиришнинг ўн учинчи беш йилликкa мўлжалланган Программаси лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси қандай бораётганлиги, тил ва маданият муаммолари, республикада сусткашлик, турғунлик ва консерватизм қандай бартараф этилаётганлиги, демократия қандай чуқурлашаётганлиги ва ошкоралик қандай кенгайиб бораётганлиги ҳақида батафсил суҳбат бўлди. Кўпдан-кўп саволларга батафсил жавоблар берилди.

СОВЕТ—КУБА ДЎСТЛИГИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

«КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси М. С. Горбачевнинг Куба Республикасига визити» тўплами босмадан чиқди. Бу китобга Совет раҳбарининг шу йил 2-5 апрель кунлари Кубада бўлиши, Совет-Куба музокаралари, М. С. Горбачевнинг Куба меҳнаткашлари, журналистлар билан учрашувлари ҳақидаги ҳисоботлар ва репортажлар, СССР билан Куба Республикаси ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик шартномаси тексти киритилган. Давлат сиёсий адабиёт нашриёти чиқарган бу тўпламдан олий даражадаги Совет-Ирландия учрашувига оид материаллар ҳам ўрин олган.

Китоб «Красний Пролетарий» босмахонасида нашр этилди.

(ТАСС).

• Депутатлар группаси ишламоқда

ОРОЛ БЎЙИ: УМИД БАҲОРИ

Нукус шаҳри атрофидаги далаларнинг баъзи жойларида гўё ҳали қор эримагандек, гўё экинзорларга оппоқ кукун сепиб қўйилгандек... Бу Орол соҳили заминидаги офат белгиси бўлган туздир! Баҳорнинг иссиқ қуёши у ер—бу ерда пайдо бўлаётган «қор» доғларини эритиб юборишга қодир эмас, аксинча иссиқ бошланиши билан сизот сувларининг хуружи анча кучайди. Бу сувларнинг ғоят яқин жойлашганлиги ва ҳаддан ташқари минералашганлиги Орол теварагида вужудга келган умумий экологик нохуш вазиятнинг муқаррар оқибатидир. Бу нарса далалардагина сезилаётгани йўқ — ер ости сувлари Нукус, Қўнғирот, Чимбой, Манғит, Беруний шаҳарларида ғоят мураккаб вазиятни вужудга келтириб, ҳамма ёқни сув босмоқда.

Мелиорация соҳасидаги кескин вазиятни қандай бартараф этиш мумкин? Орол денгизини сақлаб қолиш ҳамда унинг ҳавзасидаги санитария ва экология вазиятини соғломлаштиришга қаратилган тадбирларнинг амалга оширилишини контрол қилувчи депутатлар группасининг автоном республика пойтахтида бўлиб ўтган мажлисида ана шу масала бошқа масалалар қаторида кўриб чиқилди. Шу вақтгача қилинган ишларнинг баъзи якунлари, илгари белгиланган тадбирларнинг қандай бажарилаётганлиги, аммо асосан КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг Қорақалпоғистон ва Орол бўйига оид қарорларида кўзда тутилган вазифаларни янада самарали ҳал этиш учун нималар қилиш зарурлиги муҳокама этилди.

Мажлисни депутатлар группасининг раҳбари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари В. П. Анишчев олиб борди.

Сизот сувларига қарши кураш тўғрисида, жумладан Орол бўйидаги шаҳарларни сув босишига қарши кураш, мустаҳкам зовур системасини реконструкциялаш ва янгиларини қуриш масаласи биринчи марта ўртага қўйилаётгани йўқ. Группанинг аввалги мажлисларида муайян тадбирлар белгиланди, масалан, ўн бешта қўшимча насос ўрнатиш, суви беҳуда оқиб ётган бир қанча қудуқларни ёпиб қўйиш каби тегишли топшириқлар берилди.

Топшириқлар бажарилди. Аммо, кўриб турибмизки, вазият кескинлигича қолмоқда. Нима учун шундай? Мажлисда шу ҳақда танг «Средазгипроводхлопок» институти ўтган йилдан бошлаб Қорақалпоғистоннинг юқорида номлари тилга олинган шаҳарларини сув босишдан ҳимоя қилишга оид лойиҳа-қидирув ишларини олиб бормоқда. Март ойининг бошларигача салкам ўн саккиз минг сўмликдан кўпроқ шундай ишлар бажарилди. Планга кўра бир йилда 173 минг сўмлик иш бажариш зарур. Жуда кераклн, рўйирост айтиш мумкинки, авария ҳолатидаги ишланмаларнинг бундай «интенсивлиги» эҳтиёжни қондира оладими? Кўриниб турибдики қондира олмайди. Депутатлар группаси шу фикрни аниқ-равшан айтди. Навбатдаги мажлисда яна ана шу масалага қайтиб, тегишли раҳбарлар ва ижрочиларнинг ахборотини тинглашга қарор берилди.

Депутатлар группаси муҳокамасига қўйилган ҳар қандай масала мана шундай изчиллик, собитқадамлик ва қатъият билан кўриб чиқилди. Қорақалпоғистон область партия комитетининг биринчи секретари Қ. С. Саликов Орол бўйидаги умумий вазият тўғрисида принципиал жиддий ахборот берди. Ўзбекистон ССР агросаноат қурилиши раиси Б. С. Ҳамидов, республика Госстрой раисининг ўринбосари Е. С. Бережной, Ўзбекистон ССР уй-жой-коммунал хўжалик министри В. К. Михайлов, «Узбекгидроэнергострой» трестининг бош инженери А. А. Доморецкий, «Узбекгидролес» ишлаб чиқариш бирлашмаси бошлиғининг ўринбосари А. А. Абзалов, республика Госснаби раисининг ўринбосари М. А. Мираюбовнинг ахборотлари тингланди.

Республиканинг илгариги Сув хўжалиги министрлиги, ҳозирги Мелиорация ва сув хўжалиги давлат комитетига 1986—1989 йилларда тармоққа 12,2 миллион сўм капитал маблағ ўтказилди. Бундан мақсад 240 та тик зовурли қудуқ ва 65 километр горизонтал зовур қазишдан иборат. Бу эса Орол бўйидаги мелиорация вазиятини сезиларли даражада соғломлаштириши лозим. Ҳозирча 32 та тик зовурли қудуқ ва 8,4 километр горизонтал зовур ишга туширилди, яъни 2,1 миллион сўмлик иш бажарилди.

Уларни қаерда даволаш керак? Автоном республикада даволаш муассасалари мутлақо етишмайди. Шифохонада даволанишга муҳтож бўлган кишиларнинг бир қисми, айтиш мумкинки, анчагинаси Тошкент шаҳри, республика ва мамлакатнинг бошқа шаҳар ва областларидаги касалхоналарда даволанадилар, деб ваъда берди Ўзбекистон ССР соғлиқни сақлаш министри С. М. Баҳромов. Бироқ, бу нарса барча муаммоларни мутлақо ҳал этмайди. Айни пайтда Хоразм область партия комитетининг биринчи секретари Р. М. Худойберганова ва область ижроия комитетининг раиси К. Х. Ҳалимбетовнинг мажлисдаги нутқларидан шу нарса аён бўлдики, Хоразмда ҳам тиббий текширув натижалари Қорақалпоғистондаги даражага тахминан яқиндир.

Бундай аҳволдан чиқишнинг битта йўли бор, дейишди мажлисда — тезроқ касалхоналар ва поликлиникалар қуриш, автоном республикада соғлиқни сақлаш тармоғини жадал ривожлантириш зарур. Ҳозир бу ерда, қурилаётган бинолардан ташқари қўшимча равишда саксонта бино соғлиқни сақлаш системасига топширилди. Уларни шошилинч равишда зарур даражада жиҳозлаш керак. Ташқаридан ёрдам олмай туриб, буни амалга ошириб бўлмайди. Шу муносабат билан депутатлар группасининг мажлисида яна Ўзбекистоннинг ўн битта области ва Тошкент шаҳри ўз ихтиёри билан Қорақалпоғистонда қурадиган социал объектлар тўғрисидаги масала ўртага қўйилди. Бу ёрдам ҳақиқатан ҳам ўз вақтида берилаётган қардошлик ёрдами дейилди. Бунинг рўёбга чиқарилиши автоном республикада бирқанча етилган муаммоларни ҳал этишга кўмаклашади.

Депутатлар группаси мазкур масалани зудлик билан кўриб чиқиш зарурлигини таъкидлади, тегишли топшириқлар берди ва уларнинг бажарилишини ўз назоратига олди.

Ўз зиммасига қийин вазифани олган депутатлар группаси ўз олдига қўйган масалалар орасида бундай доимий ва ғоят зўр диққат-эътиборни талаб қиладиган масалалар анчагинадир. Депутатлар группаси Орол денгизи районида экология ва санитария вазиятини тубдан яхшилаш, денгиз ҳавзасидаги сув ҳамда ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, уларни муҳофаза қилишни кучайтириш юзасидан партия ва ҳукумат белгилаган барча тадбирларни тезроқ амалга оширишга эришиш вазифасини ўз олдига қўйган. Бу эса Оролни қутқариш, эндиликда Орол бўйини ўз маскани деб билган миллионлаб кишилар учун нормал меҳнат ва турмуш шароитини таъминлаш демакдир.

Мажлисда «Амударё» ҳавза сув хўжалиги бирлашмасининг бошлиғи У. Аширбеков, Ўзбекистон ССР прокурори Д. А. Усатов, Ўзбекистон Ёзувчилар союзи ҳузуридаги Оролни қутқариш жамоатчилик комитетининг раиси П. Шермуҳамедов, Қорақалпоғистон Ёзувчилар союзи правлениесининг раиси Т. Қайипбергенов ҳам сўзга чиқдилар.

...Мажлисдан кейин Нукус шаҳрида доимий истиқомат қиладиган эски таниш-ларим билан учрашдим. Биз улар билан бундан тахминан бир йил олдин учрашган эдик. Улар ўшанда ҳам, ҳозир ҳам бир нарса: Орол яшайдими? — деган саволни берган эдилар ва ҳозир ҳам шу тўғрида сўрамоқдалар.

Ҳозирги пайтда ҳам хилма-хил фикрлар билдирилмоқда. Аммо бир нарса шубҳасиз — нукуслик-ларнинг кайфияти яхшилик сари ўзгарди. Одамлар ҳозирдаёқ бу борада иш олиб борилаётганлигини сезиб турибдилар. Уларнинг умидлари амалий ишлар билан мустаҳкамланмоқда.

А. БАРАНОВ,
ЎзТАГ махсус мухбири.
Нукус шаҳри.

МАТБУОТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

Партиянинг ташаббуси билан мамлакатимизда бошланган сиёсий ислоҳотни амалга ошириш ҳуқуқий социалистик давлат барпо этилишини назарда тутади. Шундай давлатнинг тузилиши ижтимоий турмушнинг барча соҳаларида қонунчилик принципи изчиллик билан рўёбга чиқарилишини билдиради. Ваҳолонки, бизнинг мавжуд қонунлар жуда номукаммал бўлиб, улар ҳамма томондан турли идоравий инструкциялар ва қоидалар билан деярли кўмиб ташланган, ана шу инструкция ва қоидалар баъзида қонунга қараганда кўпроқ кучга эга деса бўлади. Айни шу боисдан ҳозир қонун актларининг етмиштадан кўпроқ лойиҳасини тайёрлаш устида қизғин иш олиб борилмоқда.

25 апрель куни Тошкентда бўлиб ўтган матбуот конференциясида, жумладан, шу нарса маълум қилинди. Матбуот конференциясида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг раҳбарлари республика оммавий ахборот воситаларининг вакиллари билан учрашдилар.

Матбуот конференциясини Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети давлат-ҳуқуқ бўлимининг мудири В. Д. Великанов очди.

Ўзбекистон ССР юстиция министри Б. Ғ. Олимжонов, республика прокурори Д. А. Усатов, ички ишлар министри У. С. Раҳимов, Ўзбекистон ССР Олий суди раисининг биринчи ўринбосари А. В. Добронравов, республика Бош давлат арбитри Р. А. Хачатуров журналистлар ҳузурида ахборот бердилар.

Республикада жиноятчилик камайиши бир ёқда турсин, балки ўсиб бораётганлиги факти ҳозир бўлган барча кишиларда ташвиш уйғотди. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг раҳбарлари ҳуқуқни бузишга қарши курашда сарфланаётган куч-ғайратлар тўғрисида муфассал сўзлаб бердилар, журналистларнинг саволларига батафсил жавоб қайтардилар.

(ЎзТАГ).

Ўзбекистон Рассомлар союзи 50 ёшда

Жамият турмуши барча соҳаларининг янгиланиши рассомдан ўз гражданлик позициясини, ўзининг қайта қуришдаги ўрнини аниқ белгилаб олишни талаб этади. Рассомнинг маънавий бурчи — инсонпарварлик идеалларини қарор топтириш, асарларда ҳозирги давр революцион жараёнларини ҳалол ва ҳаққоний акс эттиришдан иборат. Ўзбекистон Рассомлар союзи правлениесининг мазкур ижодий ташкилотнинг 50 йиллигига бағишланиб 25 апрель куни бўлиб ўтган пленумида ана шу ҳақда гапирилди.

Кинематографчилар уйига мўйқалам ва кески усталари, санъатшунослар, Ўзбекистон ижодий союзлари, маданият муассасаларининг вакиллари билан бирга Москвадан, қардош иттифоқдош республикалардан меҳмонлар келишди.

Пленумда Ўзбекистон Рассомлар союзи правлениесининг раиси Б. Жалолов доклад қилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари М. Ҳ. Холмуҳамедов тасвирий санъат вакилларини Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва республика Министрлар Совети номидан табриклади.

Ташкилот ярим асрлик тарихи саҳифаларида Совет Ўзбекистони тасвирий санъатининг ривожланиши ва қарор топиши мураккаб жараёнини акс эттирувчи воқеалар ва ишлар ўз ифодасини топган, деб таъкидланди пленумда. Унга дастлабки миллий кадрларни тайёрлашга жуда катта ҳисса қўшган А. Волков, Л. Бурэ, И. Казаков, А. Николаев, С. Юдин, М. Курзин, Н. Розанов, П. Беньков, В. Уфимцев, О. Татевосян, В. Рождественский каби ажойиб рассомлар асос солишган. Турли ижодий позициялар ва интилишлар соҳиби бўлган бу рассомлар ўзбек халқининг маданий мероси ва тақдирига чуқур ҳурмат-эҳтиром билан муносабатда бўлганлар. Уларнинг истеъдодли ва меҳнатсеварлиги, кундалик ёрдами туфайли миллий тасвирий санъат усталари ва график рассомларнинг бутун бир авлоди вояга етди. Улар орасида А. Сиддиқий, Б. Ҳамдамий, И. Икромов, У. Тансиқбоев, Ш. Ҳасанова, А. Абдуллаев, Р. Темуров бор. СССР Рассомлар академиясининг Ленинграддаги Репин номли институтини тамомлаган Р. Аҳмедов, Н. Қўзибоев, М. Саидов, Т. Оганесов, Г. Улько, В. Зеликов, Ю. Елизаров ана шу устозлардан эстафетани олдилар.

1960 йилда Тошкент театр ва рассомлик санъати институти ҳузуридаги рассомлик факультетини дастлабки талабалар тамомлади. Ижодкор ёшлар тажрибали усталарнинг энг яхши анъаналарини давом эттирмоқдалар ва айни вақтда санъатда ўзларига хос йўл изламоқдалар.

Ташкилот юбилейи совет жамияти революцион ўзгаришлар жараёнини бошидан кечираётган ғоят масъулиятли даврда нишонланаётганлиги унга алоҳида файз бахш этмоқда. Санъатнинг ўзи ижобий янгиланиш ғоялари билан, ҳар қандай тақиқларга барҳам бериш муддаоси билан йўғрилган. Ўзбекистон санъаткор зиёлиларининг вакиллари давр билан баб-баравар қадам ташлашга интилмоқдалар. Мавзулар, услубий изланишларнинг хилма-хиллиги, дадил экспериментлар — буларнинг ҳаммаси тобора кўпроқ томошабинларни ўзига жалб этиб, жамоатчилик орасида қизиқиш уйғотмоқда.

Ўзбекистон рассомларининг мавзулари кўлами ғоят кенг. Бу мавзулар экология, маданий меросга эҳтиёж муносабатда бўлиш, маънавий поклик, социал адолат муаммоларини бирлаштиради. Тарихимизнинг «оқ доғлари» масалалари тасвирий санъат, графика, ҳайкалтарошлик асарларида ўткир қилиб қўйилмоқда. Рассомлар ўз ижодида халқ санъатининг ғоят бой анъаналарига янада теран ва пухта ўйлаб муносабатда бўлмоқдалар.

Пленум қатнашчилари бадиий ижоднинг ҳозирги аҳволини батафсил таҳлил этиб, кўргазма фаолияти, Ўзбекистон тасвирий санъатини тарғиб қилиш, ёшларни эстетик руҳда тарбиялаш, рассомларнинг турмуш шароитини яхшилаш муаммоларига тўхталдилар.

Ўзбекистон ССР маданият министри У. Р. Умарбеков рассомларни юбилей билан табриклаб, бир гуруҳ рассомлар министрлик ва маданият ходимлари касаба союзи республика комитетининг фахрий ёрлиқлари билан мукофотланганини маълум қилди. Пленумда қардош орденли Туркистон ҳарбий округининг вакиллари сўзга чиқдилар.

Пленум ишида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари С. У. Султонова иштирок этди.

(ЎзТАГ).

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СОЦИАЛ-ИҚТИСОДИЙ СИЁСАТ МАСАЛАЛАРИ КОМИССИЯСИНИНГ МАЖЛИСИ

24 апрель куни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари Н. Н. Слюньков раислигида КПСС Марказий Комитети социал-иқтисодий сиёсат масалалари комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлди.

Комиссия капитал қурилишдаги ишлар аҳволини, капитал маблағлар самарадорлигини ошириш ва халқ хўжалиги ана шу тармоғи хўжалик механизмини такомиллаштириш йўлларини муҳокама қилди. Комиссия аъзоси, КПСС Кемерово область комитетининг биринчи секретари А. Г. Мельников ахборот берди.

Мажлисда кейинги йилларда социал соҳага, машинасозликка, техникавий жиҳатдан қайта жиҳозлаш ва реконструкциялашга сарфланаётган капитал маблағлар, шунингдек корхоналарнинг ўз пуллари ҳисобидан маблағ билан таъминланадиган инвестициялар салмоғи ортганлиги таъкидланди. Капитал қурилишга сарфланган маблағларнинг ўсиш суръатлари, рентабеллик ошди, зарар кўриб ишлайдиган қурилиш ташкилотлари сони камайди.

Аммо, таҳлил шуни кўрсатиб турибдики, умуман капитал қурилишда ва инвестиция соҳасида туб сифат силжишлари содир бўлмади. Ресурсларни сочиб юбориш давом этаётганлиги, инвестиция циклининг чўзилиб кетаётганлиги, капитал маблағлар самарасининг пастлиги жамият социал негизини ривожлантириш, халқ хўжалигини техникавий реконструкциялаш программаларини амалга оширишни секинлаштирмоқда. Илгари бўлганидек, ҳозир ҳам капитал маблағларнинг ўсиш суръатлари асосий фондларни ишга туширишдан илгарилаб кетмоқда. Тугалланмаган қурилишлар ҳажми кўпаймоқда, моддий техника ресурслари тақчил бўлиб турган бир вақтда, анчагина ана шундай ресурслар ишга солинмай турибди. Ўрнатилмаган ускуналар запаслари камаймаяпти. Ишга туширилган қуватлар ўз вақтида ва тўла ўзлаштирилмаяпти. Ишга солинган ишлаб чиқариш қуватларининг техникавий даражаси ва қурилиш сифати ҳамон паст. Тармоқдаги ялпи кўрсаткичларга асосланган хўжалик механизми чиқимдордир, бу эса қурилиш ва лойиҳа маҳсулотига нархнинг асосланмаган тарзда ўсишига олиб келмоқда, инфляция жараёнларини ўткирлаштирмоқда.

Комиссия инвестиция соҳасида хўжалик механизмини қайта қуришнинг асосий йўналишларига оид таклифларни ишлаб чиқди. Капитал қурилишнинг молиявий ва моддий техника ресурслари билан мутаносиб бўлиши лозимлиги, капитал қурилишни планлаштириш системасини тубдан қайта қуриш кераклиги таъкидланди. Планларни давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисидаги қонунга тўла мувофиқ тарзда тузиш зарурлиги ҳам уқтирилди.

Корхоналар ва ташкилотларнинг ўз маблағлари, иттифоқдош республикалар ва маҳаллий Советларнинг ўз хўжаликларини, инфраструктура ва социал соҳани ривожлантиришга мўлжалланган бюджетлари, шунингдек кредитлар инвестицияларнинг асосий манбалари бўлиши зарур. Ишлаб чиқариш мақсадларидаги қурилишларни бюджетдан капитал маблағ билан таъминлашдан асосан воз кечиш ҳамда кредитлаш системасига ўтиш тавсия этилди.

Буюртмачилар ва пудратчиларнинг мавжуд корхоналарни реконструкциялаш ва техникавий жиҳатдан қайта жиҳозлашни кенгайтириш ва сифат даражасини кўтаришдан манфеатдорлигини оширадиган иқтисодий чора-тадбирларни ишлаб чиқишга эътибор қаратилди.

Қурилишлар сонини камайтириш мақсадида ишлаб чиқаришга оид қурилишларни инвентаризациядан ўтказиш имкониятини кўриб чиқиш, шу яқин орада қуриб битказилиши лозим бўлган объектларни аниқлаб олиш таклиф этилди. Комиссия мажлисида хўжалик механизмини ва нарх белгилашни қайта қуриш масалаларига алоҳида эътибор берилди. Объектлар фойдаланишга топширилганидан кейингина фақат тайёр бўлган қурилиш маҳсулоти учун буюртмачилар билан ҳисоб-китоб қилиш, қурилиш ташкилотларининг фойдасини, даромадини ҳамда иқтисодий рағбатлантириш фондларини бунёд этиш лозимлиги; объектларни қуришнинг пландаги муддатлари бузилгани, тугалланмаган қурилишларнинг ва ўрнатилмаган ускунанинг нормадан ортиқча ҳажмлари учун иқтисодий таъсир ўтказишнинг бир қанча чораларини кўриш лозимлиги таъкидланди.

Лойиҳа-смета ишида лойиҳалар сифатини оширишга қаратилган бир қанча кечиктириб бўлмайдиган иқтисодий ва ташкилий тусдаги тадбирларни кўриш тавсия этилди. Лойиҳаларнинг самарадорлигини очиқ-ойдин кўрсатадиган баҳолаш кўрсаткичлари системаси ишлаб чиқилсин ва жорий этилсин. Янгидан бунёд этилган ишлаб чиқаришларда ўрнатилган қувватларнинг норматив муддатларда ўзлаштирилишига эришиш учун лойиҳачиларнинг иқтисодий жавобгарлиги йўлга қўйилсин. Моддий рағбатлантириш системаси лойиҳаларнинг сифатига боғлиқ қилиб қўйилсин.

Мажлис қатнашчилари қурилишга материал сарфини камайтириш ва унинг қийматини арзонлаштириш, қурилиш сифатини кўтаришга қаратилган таклифларни ҳам айтдилар.

Комиссия СССР Госстройига, СССР Госпланига, СССР Молия министрлиги, СССР Нарх давлат комитети, СССР Фан ва техника давлат комитети, СССР саноат-қурилиш банки, СССР Меҳнат ва социал масалалар давлат комитети ҳамда СССР Фанлар академияси иштирокида ушбу муҳокамани инобатга олиб, инвестицияларни бошқариш ва қурилишдаги хўжалик механизмини тубдан қайта қуриш тўғрисида ҳукумат қарори лойиҳасини тайёрлашни топширишни ва мазкур лойиҳани белгиланган тартибда кўриб чиқиш учун тақдим этишни мақсадга мувофиқ, деб топди.

Мажлисда СССР Госплани раисининг ўринбосари В. М. Серов, СССР саноат-қурилиш банки правлениесининг раиси М. С. Зотов, РСФСР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари А. А. Бабенко, Украина ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари В. З. Борисовский Белоруссия ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари В. Г. Евтух, СССРнинг шимолий ва ғарбий районларидаги қурилиш министри В. И. Решетилов, қурилиш ва биноқорлик материаллари саноати ишчилари касаба союзи марказий комитетининг раиси А. М. Яковлев, СССР Фанлар академияси экономика институтининг директори Л. И. Абалкин, КПСС Кабарда-Балқария область комитетининг биринчи секретари Е. А. Елисеев, Белоруссия Компартияси Минск область комитетининг биринчи секретари А. А. Малофеев, СССР Фанлар академиясининг вице-президенти К. В. Фролов, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, РСФСР Министрлар Советининг Раиси А. В. Власов, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, СССР Госстройи раиси Ю. П. Баталин сўзга чиқдилар. (ТАСС).

АФҒОНИСТОНГА ТИНЧЛИК КЕРАК

27 апрель куни афғон халқи Савр инқилобининг ўн бир йиллигини нишонлайди. Ана шу сана муносабати билан Афғонистон Республикасининг Тошкентдаги бош консулхонасида матбуот конференцияси ўтказилди.

Бош консул Ғулом Ҳазрат Ҳамгар матбуот конференциясида сўзга чиқиб, Афғонистондаги инқилобий ўзгартишларни халқ оммаси кенг кўламда қўллаб-қувватлаганлигини таъкидлади. Аммо жамиятни янгилаш душманлари халқаро империализмнинг мададида бироддаркушлик урушини авж олдириб юбордилар.

АХДП ва республика ҳукумати ўтказаётган миллий яраш сиёсатини холис ниятли барча кишилар қўллаб-қувватламоқдалар. Региондаги можарони бартараф этиш юзасидан Женевада қабул қилинган аҳдномаларни томонларнинг ҳаммаси сўзсиз бажариши керак. Афғонистон билан Совет Иттифоқи сиёсий жиҳатдан соғлом фикр намунасини намойиш қилдилар. Бироқ муросасиз оппозиция Покистон қуролли кучларининг мададига таяниб, хунрезликни давом эттирмоқда. Аммо мустақиллик ва озодлик йўлига ўтиб олган халқни букиб бўлмайди.

Афғонистон меҳнаткашлари республика учун машаққатли дамларда бериб келган ва бераётган қардошларча ёрдам учун Совет Иттифоқи халқларидан астойдил миннатдордирлар. Ўзбекистон билан яхши қўшничилик муносабатлари мустаҳкамланиб, тобора ривожланмоқда. Ўзбекистон ССР бир қанча областларининг Афғонистон шимолий вилоятлари билан дўстлиги бунинг ёрқин намунасидир.

Ғ. Ҳ. Ҳамгар журналистларнинг кўпдан-кўп саволларига жавоб қайтарди.

(ЎзТАГ).

Партия турмуши: қарор ва ижро

3. Замин завол кўрмасин

— Ҳозир колхоз ва совхозларда яроқсиз бўлиб қолган 45 минг 200 гектар ер бор, — деди биз билан суҳбатда область ремонт-эксплуатация мелиоратив ишлаб чиқариш бирлашмаси бошлиғи М. Муродов. — Шунинг тенг ярми кучли шўрланган 5 минг 550 гектар майдонда сув ҳатто юзага кўтарилиб қолган. Ана шу майдонларда аҳволни ўнглаб олиш мақсадида суғориладиган ерлардан фойдаланишни яхшилаш ва сув хўжалиги қурилиши учун ажратиладиган маблағларнинг камида 70 процентини қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини оширишга сарфлаш мўлжалланяпти. Аммо республикадан ажратилаётган ва ёрдам тариқасида берилаётган капитал маблағ камлик қилиб турибди.

Шунга қарамай, бир қатор ишлар бажарилди. Ўтган йили илгаридан суғориб келинган 3 минг 599 гектар ер комплекс реконструкция қилинди. Совхозларда 262 километр ёпиқ дренаж, 36 километр очиқ зовурлар қурилди. 180 километр лоток сув йўллари барпо этилди. Хўжаликлараро ва магистрал коллекторлар ва ички хўжалик зовурларининг талай қисми механизмлар ёрдамида тозаланди.

Бироқ область бўйича кўплаб экин майдонларининг мелиоратив ҳолати ҳануз ёмонлигича қолмоқда. Бу йил 7700 гектар ер комплекс реконструкция қилиниши, 8 минг 370 гектар ер капитал текисланиши керак.

Ишлаб чиқариш бирлашмаси бошланғич партия ташкилоти (секретари Аҳад Турсунов) сувдан оқилона фойдаланиш бўйича қатор тадбирларни белгилаган эди. 1988 йилда 20 минг 200 гектар ердаги ғўзани суғоришда янги техника ускуналари, суғориш комплекслари, эгилувчан мелиоратив материаллардан тайёрланган шланглар ва «Тен-25» маркали сифон қувурларидан фойдаланилди.

Бу йилги режа янада юксак. 21 минг 500 гектар майдондаги эгатларга прогрессив усулда сув таралади. Нишон районидаги «Туркманистон» совхозида Ўзбекистон мелиорация ва сув хўжалиги Давлат комитетининг янги суғориш техникалари бўйича тажрибасинов ўқув маркази ташкил этилди. Мазкур ўқув марказида ўтган ойларда 230 дан зиёд ирригатор ва мироб махсус программа асосида малака ошириди.

Сувдан тежаб-тергаб фойдаланишни йўлга қўйиш мақсадида тажриба тариқасида Ульянов районида сувдан фойдаланишнинг пуллик системаси жорий қилинди. Ҳозир сув иншоотларига замонавий ўлчов асбоблари ўрнатилмоқда. Бу ишларни «Каршистрой» махсус қурилиш бирлашмаси ишчилари бажаришмоқда.

Ушбу материал тайёрланаётган кунларда Ульянов район хўжаликларида бўлдик. Район партия комитетининг биринчи секретари Зулқайнар Қодиров йўл-йўлакай илгари область миқёсида ишлаган ишчан, тажрибали коммунистлар Зикриё Асроров ва Шомурод Ҳақназаров «Партия XX съезди», Дзержинский номли совхозларга директорликка тайинланганч, бу хўжаликларда ишлар юришиб кетганлигини мамнуният билан тилга олди. Иккала хўжалик раҳбари ҳам ишни социал соҳадан, ташландиқ ерларни тартибга келтириб, сув чиқаришдан, боғ-роғларни обод қилишдан бошлади. Биргина Дзержинский номли совхозда ташландиқ бўлиб ётган 200 гектар ер қисқа вақтда экинзорга айлантирилди. Хароб бўлиб қолган 70 гектарлик мевали боғ қайта тикланди.

Ҳозир бошқа районларда ички имкониятларни ишга солиш тадбирлари кўрилиш тармоқлари бошқармаси бошлиғи лавозимига сайлов ўтказилди. Меҳнат коллективи ва конкурс комиссияси бу лавозимга уч номзод — мазкур бошқарма бошлиғи Саттор Сафаров, коллектор-дренаж тармоқлари бошқармаси бошлиғи Абдулла Очилов ва Қарши магистрал канали бошлиғи Зиёдулла Эргашевнинг номзодини тавсия этди. Демократик асосда ўтган сайловда кўп овоз олган олий маълумотли ёш гидромелиоратор Абдулла Очилов бошқарма бошлиқлигига сайланди. Бундай сайлов бирлашмалар

ОЛТИНГУГУРТ СУВИ ҚАЕРДАН КЕЛДИ?

Фарғона фуран бирикмалари химия заводи шаҳарнинг қоқ ўртасида жойлашган. Очиғи, корхона шаҳар ҳавосини булғаяпти. Экологик муҳитга катта зарар келтираётир. Бу масаланинг бир томони, бироқ кейинги икки йил ичида яна бир муаммо пайдо бўлди. 1987 йил июль ойида завод территориясида ер ости сувлари бирдан юзага кўтарилди. Бир қатор ишлаб чиқариш ва маъмурий биноларнинг ертўлалари ўта зararли — олтингугурт водороди билан тўйинган сувга тўлди. Хуллас, газеталарда кўп ёзилаётган заҳри қотилнинг ўзи...

— Ишга келсак, иш жойларимизни қандайдир бадбўй ҳидли сув босиб кетибди, — дейди завод ишчиси С. Болтабоев. — Худди айниган тухумнинг ҳиди келади. Бош айланиб, ишлашнинг иложи қолмади...

Сув тарқатиш тармоқлари бўлими машинисти Н. Тимофеев шеригининг фикрини тасдиқлади. Дарҳақиқат, завод территориясида ҳозир ҳам олтингугуртли сув чиқиб ётибди. Завод ичидаги темир йўл ораси қўллаб кетган...

Инсон саломатлиги учун зararли бўлган олтингугуртли сув дастлаб пайдо бўлгандаёқ завод маъмурияти ёрдам сўраб, мутахассисларга мурожаат қилди. Мутахассислар олтингугуртли сув тасодифан пайдо бўлган ва у тез орада йўқолиб кетади, деган фикр билдиришди. Уларнинг маслаҳати билан завод территориясида узунлиги 2,5 километр бўлган зовур қазилди. Учта қудуқ ҳам кавланди. Бироқ область атроф-муҳитни муҳофаза қилиш инспекцияси ва бошқа назорат органлари олтингугуртли сувни канализация тармоқларига қуйишни қатъий ман қилдилар.

Улар ҳақ эди. Чунки, олтингугурт билан тўйинган сув канализация тармоқларида шаҳардан чиқиб кетаётган чиқинди сувлардаги барча фойдали элементларни нобуд қилар, атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатар экан. Муаммо эса кундан-кунга тиғизлашиб борарди. Мутахассислар фикри тўғри чиқди. 1987 йилнинг ноябрида олтингугуртли сув яна ерга сингиб кетди. Хавотирланиш учун асос қолмагандай эди. Афсуски, ўтган йилнинг ёзида яна ер ости сувлари юзага кўтарилди. Унинг таркибидаги олтингугурт аввалгидан ҳам кўп эди. Заводдаги барча чуқур иншоотлар, ертўлаларни сув босди.

Шаҳар маъмурлари, мутахассислар ҳам ташвишга тушиб қолишди. Зудлик билан заҳарли сувни йўқотиш чораларини кўриш керак эди. Афсуски, ҳеч ким аниқ тавсия бера олмасди. Чунки, бундай ҳол билан мутахассислар ҳам биринчи марта тўқнаш келгандилар. Область сув ресурслари идоралари, облсанэпидстанция мутахассислари барча цехларни синчиклаб текширса ҳам олтингугуртли сувнинг манбаини топа олмадилар. Балки, бу сув заводнинг ўзидаги ишлаб чиқариш жараёни натижасида пайдо бўлаётгандир, деган тахмин билан сентябрь ойида корхонада иш тўхтатилди. Бу ерда капитал ремонт ўтказилади деб эълон қилинди. Заводга сув, газ, буғ, электроэнергия узатиш ҳам тўхтатилди. Лекин, аксига олгандай ер ости сувлари кўтарилиши давом этди. Атроф-муҳитнинг заҳарли газлар билан ифлосланиши ортаверди.

Область, шаҳар партия ва совет органларининг аралашувидан сўнг олтингугуртли сувнинг пайдо бўлиш сабабларини янада чуқурроқ ўрганишга киришдилар, Завод атрофи ва ундан юқорида жойлашган барча сув узатиш тармоқлари шу атрофдаги газ тармоқлари ва бошқа коммуникациялар ҳам бирма-бир текшириштан ўтказилди. Корхонадан нарида жойлашган тўқимачилик комбинатининг профилакторийсида беморларни даволаш учун олтингугурт-водородли, йодли ва бромли сувлар қўлланилган экан. Фойдаланилган сувни чиқариб юборадиган канализация тармоқлари эса яхши ишламайди. Корхонага бу тармоқларни дарҳол тартибга келтириш топширилди. Бироқ, маълум бўлишича, олтингугуртли сувнинг манбаи мутлақо бошқа экан.

Область гидрогеологларининг аниқлашича, олтингугурт-водородли сув бошқа жойларда пайдо бўла бошлаган. Фарғона ёғ-мой комбинати ва «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмасининг Каркидон сув омбори соҳилидаги дам олиш зоналарида ҳам мана шўндай сув чиқиб қолди. Бошқа корхоналарнинг территорияларида ҳам ер ости сувлари юзага кўтарилди. Геологларнинг хулосасича кўра, шаҳар юқорисидаги Пакана ва Лўғон адирларининг ўзлаштирилиши туфайли шаҳарда ер ости сувлари кўтарилган.

— Заводимиз ёнидан оқиб ўтадиган Марғилонсойга «бетон тўн» кийдирилиши ҳам бир ҳисобда олтингугуртли сувнинг кўтарилишига сабаб бўлди, — дейди корхонанинг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бюроси бошлиғи М. Мирзаева. — Чунки илгари ҳар ҳолда ер ости сувлари сойга сизиб ўтиб, оқин сувларга қўшилиб кетарди. Энди ер ости сувларининг ҳаракат йўли тўсилган. Икки йилдан буён Москва, Тошкентдаги раҳбар ташкилотларга ўнлаб телеграммалар, хатлар юбордик. Лекин олтингугуртли сувнинг қаердан пайдо бўлганлигини аниқлаш, уни бартараф қилиш чораларини кўриш кўнгилдагидек бўлмаяпти.

Тўғри, СССР Медицина-биология саноати министрлиги бу йил завод территориясида олтингугуртли сувнинг пайдо бўлиш сабабларини аниқлаш ва уни бартараф этиш учун 250 минг сўм пул ажратибди. Бироқ жамоатчиликнинг фикрича, 200 мингдан ортиқ одам яшайдиган область марказидаги кишилар саломатлигига, уларнинг нормал меҳнат қилишларига таҳдид солаётган масалани ҳал этишга жиддий киришмоқ зарур. Фуран бирикмалари химия заводининг раҳбарлари шаҳар ижроия комитети ҳузурида барча манфаатдор корхона ва ташкилотларнинг кучларини бирлаштирадиган махсус комиссия тузишни таклиф қилишди. Бу ғалати ҳодиса билан курашга илмий асосда киришмоқ кераклигини айтишди. Балки мамлакатдаги шу соҳанинг йирик мутахассислари ва олимларини ҳам бу ишга жалб этмоқ керакдир.

Область атроф-муҳитни муҳофаза қилиш инспекцияси бошлиғининг ўринбосари Б. Бессоновнинг гувоҳлик беришича, завод территориясида олтингугурт-водородли сувнинг пайдо бўлиш сабаблари ҳали аниқланганги йўқ. Бунинг учун гидрогеологик, кимёвий ва микробиологик тадқиқотлар ўтказиш керак. Афсуски, шундай тадқиқотлар ўтказиш ҳақида гап-сўзлар кўп бўляпти, амалий иш кам.

Умуман, Фарғона областида жиддий экологик вазият вужудга келганлигини таъкидлаш керак. «Фергананефтеоргсинтез» ишлаб чиқариш бирлашмаси собиқ раҳбарларининг атроф-муҳит муҳофазасига жиддий эътибор бермаганликлари оқибатида Тошлоқ районидаги ер ости сувлари нефть маҳсулотлари билан ифлосланган. Аҳоли эса мана шу сувни истеъмол қилади. Район партия, совет органлари, жамоатчилик вакиллари бу ҳолдан қаттиқ ташвишланганликларини изҳор қилмоқдалар. Тегишли министрликлар ва идоралар ўзларининг тор маҳкамачилик қобиғига ўралиб олмай, биринчи навбатда социал-экологик масалаларни ҳал этишлари керак. Шаҳар жамоатчилигининг яқдил фикри шу!

А. ИБОДИНОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

•Диққат: муаммо

Чўпонлар уйи

● ТОМДИ. Райондаги «Аёққудуқ» совхози чўпонлари хотин-қизлар меҳнатидан мамнун бўлишмоқда. «Гуллар» деб номланган комсомол-ёшлар қурилиш бригадаси аъзолари С. Ёрсултонова, К. Сарсенова, М. Ўрдабоева, Г. Абдуҳолиқова қисқа фурсатда 20 нафар чўпон уйини сифатли ремонт қилиб беришди.

Н. РАҲМАТОВ.

Мусобақа пешқадами

Гагарин районидаги «Партия XXIV съезди» совхози чорвадорлари ўн иккинчи беш йилликнинг тўртинчи йили топшириқларини бардавқт бажариш учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар. Чорва маҳсулдорлигини оширишда А. Мусаева алоҳида ибрат кўрсатаётир. Унинг қарамоғида 23 сигир бор. У ҳар бир сигирдан кунига 10 литрдан сут соғиб олаётир.

Суратда: А. Мусаева.

Б. АЛИМОВ фотоси.

• Биз—интернационалистлармиз

ҚАРДОШЛИККА АСРЛАР ГУВОҲ

Ўзбек — уйғур халқлари дўстлиги тарихининг илдизи узоқ ўтмишга бориб тақалади. Кушан давлати, Илкхон ва Қорахонийлар даврида эса тобора чуқурлашди. Қорахонийлар пойтахти Балосоғундан Қашқарга кўчгандан сўнг, уларга қарашли жами ерлардан ва ҳатто қўшни эллардан етук адиблар, олимлар, мусаввирлар, созандалар, хонандалар, заргарлар, наққошлар ва ҳунармандлар хон саройига таклиф этилдилар. Улар орасида ўзбек фарзандлари анчагина бўлиб, уйғур диёрида фан, маданиятнинг тараққий этишига муносиб улуш қўшдилар. Қашқар доврўғини дунёга ёйдилар.

Бу ҳол қардош икки халқ ўртасидаги дўстликнинг нафақат сиёсий-иқтисодий, балки маънавий жиҳатдан ҳам теран илдиз отишига олиб келди. Бинобарин, бирининг маънавий бойлиги бошқасиникига сингиб, бир-бирини бойитди. Уйғур «Ўн икки мақом»нинг «Рок» ва «Мушокарак» бўлимларининг ўзбек «Шашмақом»и қаторидан жой эгаллаши фикримизнинг далилидир. Айни замонда «Ўн икки мақом» текстлари қаторидан Навоий ва Машраб ғазаллари муносиб ўрин олганлиги эътиборга лойиқ.

Бундан 230 йил муқаддам манжур (халқ уни қора хитой деб атаган) босқинчилари уйғур диёрига бостириб кирдилар. Қирғин авжига минди. Халқ саркардаларининг бошларини танидан жудо қилишди. Шаҳар дарвозаларига михлаб осдилар. Бу ёвузликларга қарши эркагу аёл, ёшу қари оёққа турди. Қон кечишларда, жон беришу жон олишларда ўзбек фарзандлари уйғур халқига ҳамдам ва ҳамдард бўлдилар. Минглаб ўзбеклар уйғурлар қаторида жон беришди. Босқинчиларнинг узлуксиз қирғини, эл бошига келтирган сўнгсиз кулфати дастидан ўз юртида жон сақлолмаган аламзада, бағри хун уйғурлар бошпана излаб бошқа юртларга, жумладан Ўрта Осиёга қочдилар. Ўшанда ўзбеклар уларга бошпана бердилар, топганларини баҳам кўрдилар, ерсувларини улашдилар. Азалдан жондош ва қондошликларини кўрсатдилар. 1859 йили Қашқарга борган қозоқ халқининг атоқли олими Ч. Валиханов бу дўстлик ҳақида шундай ёзади: «Уйғурлар ўзбекларни яхши кўради. Чунки ўзбеклар уйғур халқининг истибдод зулми остида яшашларига норозидир ва қаршидир. Шу боисдан қўзғолон пайтларида уларга ўзбеклар яқиндан ёрдам берганлар. Бундан ташқари уйғурлар билан ўзбекларда бир-бирларига қиз бериш, қиз олиш муносабатлари қалин бўлган. Шунинг натижасида қариндош-уруғчилик давом этиб келган».

Уйғурларнинг 1826—1827 ва 1830 йиллардаги озодлик ҳаракатларини ҳам ўзбек халқи биринчилардан бўлиб қўллаб-қувватлади. Дўстлик, қардошлик бурчини бажаришга киришиб, мингминглаб йигитларни уйғурлар билан бирга жанг қилишга жўнатишди. Улар Уйғур ўлкасининг жанубий вилоятларини душмандан озод этишга улкан ҳисса қўшдилар.

Чет эллик босқинчилар уйғур халқининг озодлик ҳаракатларини тўхтата олмади. 1847—1857 йиллардаги қўзғолонда ҳам ўзбеклар уйғурлар билан ёнма-ён турдилар. Аммо маҳаллий амалдорлар ва хоинлар билан тил топишган босқинчилар устун келиб, қўзғолонни бостирди. Қўзғолон иштирокчиларидан, уларнинг яқинларидан ўч олишга киришишди, неча ўн минг киши қириб ташланди. Қирғин янада даҳшатли тус олавергач, ҳаёти хавф остида қолганлар қочиб Тирак довонга етганларида қаттиқ шамолли қорга дуч келадилар. Қорнинг қалинлиги ва совуқнинг қаттиқлигидан довонга чиқолмаган болалар ва кексалар музлаб оламдан ўтадилар. Бундан хабар топган ўзбек халқи дарров оёққа туриб, тирикларнинг ҳаётини сақлаб қолиш учун ўз диёрларига олиб келиб жойлаштиришга киришиб кетадилар. Иссиқ овқатлар, кийим-кечаклар бериб, ҳолсизларини от-уловларга миндириб довондан ошадилар. Ўзбекистоннинг қайноқ қучоғига олиб кирадилар.

Бундай дўстлик ва ҳамкорликлар хусусида гап кетганда, 1864—1877 йиллар воқеалари ёдга тушади. Унда уйғур ва ўзбек халқларининг тақдир бирлигини, жондош-қондошлигини яна ҳам яққолроқ кўрамиз. Уйғур Бузрукхон тўра билан ўзбек Ёқуббек йўлбошчилигида Шарқий Туркистонда озодлик учун жанг бошланади, унда уйғуру ўзбек бир тану бир жон бўлиб, босқинчиларга ва маҳаллий золимларга қаттиқ зарба берди. Натижада Ёқуббек раҳбарлигидаги мустақил Шарқий Туркистон давлати барпо этилди. Уйғур ва ўзбек халқи қўлни-қўлга бериб илму маърифатни, маданиятни, ҳунармандчиликни ривожлантирадилар.

Ўзбек—уйғур халқларининг дўстлиги асрлар синовидан ўтди. Бу дўстлик дарахти сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий соҳаларда тобора чуқур илдиз отди. Уларнинг ҳаёти ва мақсадларида, интилишларида маънавият-мафкураларида умумийлик ва муштараклик юзага келди. Бу айни пайтда авлоддан-авлодга ўтиб тобора чуқурлашмоқда.

Қашқарлик машҳур маърифатпарвар, атоқли олим, шоир Абдуқодир домуллонинг тошкентлик Собиржон махдум билан дўстлиги ва ҳамкорлиги унинг янгича тафаккурининг кенгайишида, замон руҳини чуқур англашида катта роль ўйнайди. У Тошкент зиёлилари ва меҳнаткашларининг руҳиятидаги уйғониш, шууридаги исёнкорликни чуқур англайди. Юрагида уйғонган исёнкор туйғулар жўшқин ватанпарварлик, маърифатпарварлик ва инқилобий курашчанлик йўлидан етаклайди, қайноқ ижодга ундайди. Натижада қатор шеърий, насрий ва илмий асарларни уйғур, араб ва форс тилларида яратади. Орадан кўп ўтмай унинг «Тасҳилул тамоил» ва «Муфтоҳул адаб» китоблари Мулла Саид Акбархўжа, Мулла Саид Қориҳожи ҳамда Сирожиддин махдумлар томонидан нашрга тайёрланиб, Тошкентдаги Ғуломия нашриётида чоп этилди.

1944 йили ноябрда Шарқий Туркистонда гоминдон истибдодига қарши миллий озодлик инқилобида ўзбек халқи кўнгилли қўшинларини тузиб уйғур диёрига йўл олдилар. Душманга қақшаткич зарба беришга муносиб ҳиссаларини қўшдилар. Ўша инқилобда ўзбек халқининг ажойиб фарзанди Алихон тўра Шокиров (Алихон Соғуний) маъмурий, ҳарбий раҳбарлик вазифасини бажарди. Уч вилоятда ташкил этилган халқ ҳукуматининг президенти ва қуролли кучлар маршали лавозимида ишлади.

1945 йили Оқсу вилоятида гоминдончиларга қарши вужудга келган «Шарқий Туркистон учқунлари» номли ёпиқ ташкилотнинг раиси санъаткор Мунириддинхўжа, уйғур инқилобий шеъриятининг атоқли намояндаси Билол Азизийлар уйғур юртида туғилиб ўсган ўзбек фарзандларидир. Улар инқилобий уйғур адабиётининг чўнг намояндалари бўлган Лутфулла Муталлибнинг сафдошлари, яқин дўст-сирдошларидан эдилар. Ёпиқ ташкилотга бош суқиб олган бир хоин туфайли улар Л. Муталлиб билан бирга 1945 йили 19 сентябрда гоминдон жаллодлари томонидан ваҳшийларча қатл этилдилар. Улар қатл қилинган кунни уйғур халқи ҳар йили нишонлайди.

Кўпмиллатли совет адабиётининг таркибий қисми бўлган уйғур совет адабиётининг асосчиси У. Муҳаммадий ва унинг издошлари Ҳ. Искандаров, А. Муҳаммадий, Н. Исроилов, Т. Ҳасан, М. Ҳамроев, Л. Ансорий каби адиблар, Ойшам Шамай сингари уйғур аёлларидан етилган тўнғич олима Тошкентда таълим олишди. Ижодий фаолиятларини шу ерда бошлашди. 1930 йилларда Ўзбекистон Ёзувчилар союзи қошида, нашриётларда уйғур бўлими ташкил қилинди.

Уйғур матбуоти ҳам дастлаб Тошкентда дунёга келди. 1921 йили «Камбағаллар овози» номли газета чиқа бошлади. Бу газета кейинроқ «Қутулиш», 1924 йилдан эса «Қутулиш алангаси» номи билан чиқди. 1927 йили «Кун чиқиш ҳақиқати», кейинчалик «Шарқ ҳақиқати» газетаси, 1922—1923 йиллари «Ёш уйғур», «Қизил ўқувчи» ва 1929 йили «Инқилобий Шарқ», 1931 йили «Қизил тонг» номли сиёсий-ижтимоий, адабий-бадиий журналлар юзага келди. Лекин шахсга сиғиниш фожиаси туфайли кўзга кўринган адиблар, шоирлар ва олимлар 1937—1938 йилларда қамоққа олиндилар, уйғурча газета, журнал ва нашриётлар ёпилди.

1950 йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб уйғур адабиётининг ёш ниҳоллари адабиёт гулшанида яна кўзга ташлана бошладилар. Тобора такомиллашиб борган бу адабиёт айни пайтда Ўзбекистон совет адабиётининг таркибий қисмига айланди. Ҳозир 30 га яқин қалам соҳиби жўшқин ижод билан банд. Улардан 10 киши СССР Ёзувчилар союзининг аъзосидир.

Ўзбекистон ССР Телевидение ва радио эшиттириш давлат комитетининг чет элга эшиттиришлар бўлимида уйғур редакцияси ишламоқда. Ўзбекистон Давлат филармонияси таркибида уйғур ашула ва рақс ансамбли актив фаолият кўрсатмоқда. Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат, «Ёш гвардия» Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётлари томонидан «Синьцзянь шоирлари», «Уйғур халқ қўшиқлари», «Уйғур эртаклари», «Уйғур адабиёти классиклари», «Абдураҳим Низорий», «Билол Нозим», «Ёшлик худди чақмоқ» ва «Йўлларга жавоб» сингари Синьцзянь уйғурлари ёзма ва оғзаки адабиёти намуналари чоп этилди. Уйғур-ўзбек халқларининг дўстлиги ва бирдамлиги тарихи тобора чуқур шаклланмоқда, дўстлик ва қардошлик ришталари мустаҳкамланмоқда.

Р. ҚОДИРИЙ.

«Совет Ўзбекистони»га жавоб берадилар

ХОРАЗМ ОБЛАСТЬ СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ:

— Боғот районида яшовчи Б. Қиличевнинг 24-ҳунартехника билим юртида таълим-тарбия ишлари қониқарсиз аҳволда эканлиги ва ўқув даргоҳи раҳбарлари хизмат вазифасини суиистеъмол қилаётганликлари тўғрисидаги аризаси текширилди. Билим юртида қатор камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланди. Жумладан, 1987—1988 ўқув йилида беш нафар ўқувчи қониқарсиз баҳога эга бўла туриб, иккинчи курсга ўтказилган.

Шуни айтиш керакки, билим юртида таълим-тарбия ишлари шу куннинг талабларига жавоб бермайди, дарс қолдириш ҳоллари тез-тез учраб турибди. Буларнинг ҳаммаси директор М. Султонов ва унинг ўринбосари К. Аминовларнинг назоратсизликлари оқибатида юз берган.

Текшириш якунлари билим юрти педагогика кенгашида муҳокама қилинди. Камчиликларни бартараф этиш ва педагогик коллектив ўртасида таълим-тарбия ишларини яхшилаш юзасидан тадбирлар ишлаб чиқилди.

Область халқ таълими бошқармаси буйруғига мувофиқ, билим юрти директори М. Султоновга кўрсатиб ўтилди ва унинг ўринбосари К. Аминовга ҳайфсан берилди.

●

САМАРҚАНД РАЙОН СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ:

— «Ленинизм» совхозида яшовчи А. Очилов хати ўша жойнинг ўзида текширилди ва унда кўрсатилган фактлар қисман тасдиқланди.

Текшириш якунлари район халқ контроли комитети мажлисида кўриб чиқилди. Хўжасизликка йўл қўйганлиги, давлат ерини талон-торож қилганлиги учун совхознинг бош агрономи Х. Мансуровга қаттиқ хайфсан эълон қилинди. Буидан ташқари Х. Мансуров ва бўлим бошқарувчиси Х. Бойжуродов моддий жавобгарликка (250—170 сўм миқдорида) тортилдилар.

Район партия комитети бюроси қарори билан «Ленинизм» совхози директори А. Абдуллаев лавозимидан бўшатилди.

ҲАММАСИГА УЛГУРИШ КЕРАК

● Яқинда бўлиб ўтган совуқ айрим мевали дарахт гулларини, помидор, бодринг кўчатларини, ниш урган сабзи каби сабзавотларни қақшатиб кетди. Деҳқон ташвиши яна кўпайди. Бунинг устига ҳадемай пилла мавсуми бошланади. Вақт кутиб турмайди. Ҳаммасига улгуриш даркор.

Калинин районидаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» совхози деҳқонлари суғориладиган жами майдонга экин экиб бўлдилар. Айрим майдонларга қайта уруғ қадалмоқда. Нигмат Ражабов, Ҳусниддин Сайфиддинов раҳбарлик қилаётган бригадалар, Мирзоид Маъдиев бош бўлган оилавий пудрат звеноси аъзолари биринчи бўлиб экишни тугалладилар. Асосан сабзавот ва картошкачиликка ихтисослаштирилган хўжалик далаларида экинга ишлов бериш ҳам бошлаб юборилди. Жаҳон Шугалов, Исабек Бутабеков, Рашид Унгаров сингари механизаторлар кўклам юмушларида пешқадамлик қилмоқдалар.

Совхоз сабзавоткорлари шу кунгача шаҳарликларга 15 тоннадан ортиқ маҳсулот жўнатдилар. Улар йил давомида давлатга 5600 тонна сабзавот ҳамда 850 тонна картошка сотишлари керак.

А. МАННОПОВ.

ЗИҒИР ЭКИЛЯПТИ

83 ёшли оқсоқол Абдусами Набиев ҳузурига хўжалик аъзолари тез-тез келиб туришибди. У далаларда зиғирни қайта экиш ташаббусини бошлади. Оқсоқолнинг хотирлашича, бундан ярим аср илгари унга қадрдон далаларда зиғир экилган. Ундан олинган ёғ эса тўйимли ва фойдали бўлган.

Отахоннинг ташаббуси билан ўтган йили Қирғизистондан олиб келинган 50 килограмм уруғ сепилганди. Бу йил эса совхозда тайёрланган уруғликдан фойдаланилди. Зиғир экишга ўн гектар ер ажратилган. Экинзор ёнида тегирмон қурилиши олиб борилаётир.

Суратда: Янгиқўрғон районидаги Ульянов номли совхознинг тракторчиси Р. Шарипов хўжалик оқсоқоли А. Набиевдан маслаҳат олаётир.

А. КОВТУН фотоси (ЎзТАГ).

Йўқолсин бюрократизм

ВАҚТ ВА АСАБ ЎҒРИСИ

Идоралар билан муносабатимизда вақтимизнинг беҳуда талон-торож қилинаётганига шу қадар қўникиб кетганмизки, бу ҳодисанинг туб моҳияти ҳақида чуқурроқ ўйлаб кўрмаймиз. Яқинда Тошкент шаҳар Октябрь район уй-жойдан фойдаланиш бирлашмаси ёнида қўшнимни учратдим:

— Квартирамиз ҳисоб-китобини катта ўғлимнинг номига ўтказиш учун уч ойдан бери оворaман, — деди у қўлидаги бир даста қоғоз жамланган папкани кўрсатиб.

Турар жойдан фойдаланиш бошқармаси (ЖЭУ—1)дан олинган рўйхатда йигирмадан ортиқ ҳужжатнинг номи қайд этилган эди. Қўшним уч ой югуриб, зўрга 16 тасини тайёрлабди.

Бирлашма кадрлар бўлимининг бошлиғи Н. Б. Умаркаева қабулида ҳужжатларнинг ортиқчалиги ҳақида гап бошладик. Бўлажак квартира эгасининг иш жойидан маоши қайд этилган справканинг нима зарурати бор? Оила аъзоларининг иш жойи, касби кўрсатилган тафтиш справкасидан ижара ҳақи тўлаш қурбига эга эканлигини билиш қийин эмаску? Ижара тўловига қурби етмаган киши уйнинг ўз номига ўтказилишига ҳам кўпинча рози бўлмайди. Иккинчидан, узоқ вақт ижара ҳақини тўламаган шахс суд ҳукми билан квартирадан чиқарилиши уй эгаларига аёнку?

Кадрлар бўлими бошлиғининг тушунтиришича, уй эгасининг туғилиш гувоҳномасидан кўчирма ота-ўғлининг қариндошлиги исботи бўлса, никоҳ гувоҳномаларидан кўчирмалар мустақил оила бўлиб яшаётганлиги исботи эмиш. Ахир, уй-жой мутасаддиси шу ҳужжатларни ўз кўзи билан кўриб, тафтиш справкасида қайд этиши етарли эмасми?! Оила аъзоларининг ҳар бири бир варақ алоҳида қоғозга розилик билдириб ёзган, муҳр босиб тасдиқланган аризалар ўрнида бўлажак уй эгаси аризаси остига «розиман» деб имзо чекишлари ишни осонлаштирмасмиди? Паспортчи тузган справка, бухгалтериядан олинган бир қулоч қоғоз, шунингдек, оила аъзолари сони, туғилган йили зикр этилган справка, мастер томонидан берилган тафтиш справкаларида бир хил маълумотлар қайта-қайта такрорланади. Ҳолбуки, бу тўрттала ҳужжатни тегишли мутасаддилар имзолаган битта ҳужжатга айлантириш мазмунга заррача ҳалал етказмайди.

Баҳсимиз бошлиққа ёқмади шекилли, ҳужжатларни асабий варақлаб, қилдан қийиқ ахтара бошлади. Бошлиқ талабига биноан қўшним мутасадди идоранинг бекор қилинган аввалги муҳри босилган талай ҳужжатларни қайта тайёрлашга мажбур эди. Бу ҳали ҳолва экан. Бошлиқ зукко тафтишчи эканини яна бир намойиш этди. Шу уйда паспорти қайд этилган, ҳозир армияда хизмат қилаётган неварасидан 20 дан ошиқ ҳужжатни икки ёки учтага келтириш мумкин эди.

— Бизга қандай ҳужжат кераклигини расмий инструкция ҳал этади, — деди бошлиқ кулимсираб. — Биз инструкция одамимиз. Кучингиз етса, марҳамат қилиб инструкцияни ўзгартиринг. Шунда биз ҳам ишимизни қайта қурамиз.

Қўшним ҳарбий хизматдаги неварасига хат ёзиб, бир ойдан кейин ҳарбий қисм тасдиқлаган розилик қоғози олибди.

— Оқибатини билиш учун бир ойдан кейин хабар оласиз, — дебди ҳужжатларни розилик қоғози керак, деб қатъий туриб олди. Квартиранинг қариндошлардан қайси бирининг номига ўтказилиши неваранинг уй-жойга бўлган қонуний ҳуқуқини асло инкор этмаслигини бошлиққа тушунтириш амри маҳол эди... Ҳуллас, чуқурроқ идрок этиб кўрилганда якка-ярим эмас. Марказий матбуот саҳифаларида қоғозбозликнинг қайта қуриш руҳига зид кўринишларига доир кўплаб фактлар эълон қилинмоқда. Шофёрлик гувоҳномаси олиш ёки ишга жойлашиш учун бир-бирини такрорловчи ҳужжатлар, қариндош-уруғлари, ҳатто миллати кўрсатилган справкалар талаб этилаётганлигини қоралаб ёзмоқдалар. Рационализаторлик таклифига 10 сўм ҳақ тўлаш учун актлар, ҳисоб-китоб ҳужжатлари, комиссия хулосаларидан сўнг, олти нусхада буйруқ тексти тайёрланиб, бешта лавозимдор шахс имзо чекиб истар-истамас қабул қилиб олган Умаркаева.

Турғунлик кўникмаси иш услуби ҳамда руҳиятига сингиб кетган, қайта қуришни фақат юқоридан кутаётган амалдорлар келди хаёлимга.

Дарҳақиқат амалий иш ўрнида қоғозбозлик билан шуғулланаётган амалдорлар ши ва бошқа расмиятчиликлар талаб этилади, деб ёзади «Правда» газетаси. Ҳар йили бир йирик корхонада мингга яқин шундай рационализаторлик таклифи расмийлаштирилганда қанча қоғоз, вақт, асаб сарф бўлишини тасаввур эта оласизми? Ҳолбуки, ўн сўмни одилгина расмийлаштириш билан тўлаб юбориш мумкин.

Қоғозбозлик — вақт ва асаб ўғриси. Қўшним уч ой давомида ҳар ҳафтада икки кундан вақтини йўқотган бўлса, жами 24 кун — бир ойлик ижтимоий-фойдали меҳнат фаолиятини қоғозбозлик йўлига совурган зил кетган инсон соғлиғи қиматини ким ҳисоблаб чиқибди.

Қоғозбозлик — бюрократ учун масъулиятсизлик қалқони. Унинг фаолиятсизлигини, кўзбўямачилигини ҳаспўшловчи ниқоб. Ҳар хил модда, сон-саноқсиз саволлардан иборат инструкциялар уларнинг «нодир» кашфиёти. Бу саволларни шундай пухта ўйлаб тузадики, ҳеч бир амалий иш бажармасдан туриб, энг фаол ходим, ишбилармон доно бошлиқ сифатида ўзини кўрсатиши мумкин. Яқинда «Коммунист анкетаси» деган икки варақ қоғоздаги 45 та саволга жавоб беришимга тўғри келди.

Қоғозбозлик — бюрократнинг туҳмат қуроли. Турғунлик йилларида айрим бюрократлар ҳалол, аммо қайсар одамдан ўч олиш мақсадида «ҳужжатлар» тўплашга киришар эдилар. Сансолар амалдор муҳри босилган қоғоз расмий ҳужжат қиёфасига кириб, бегуноҳ шахсга заҳар соча бошлайди. Ўша туманли йилларда айбсиз бир ҳалол олим ҳақида ўн уч папка ёлғон-яшиқ ҳужжат тўпланганлиги эсимда. Катта ҳажмдаги ҳужжатлар йиғиндиси, аёнки, ҳар қандай тафтишчи ишончини беихтиёр сеҳрлаш хусусиятига эга. Ҳар бир ҳужжатнинг қанчалик ростлигини муфассал текшириш учун кимда ҳафсала бор?

Газета-журнал, китоб чиқаришга қоғоз қаҳатчилиги шароитида идораларда қанчадан-қанча қоғоз бекорга исроф қилинмоқда. Украина кибернетика илмий-тадқиқот институти ҳисоб-китобига кўра, мамлакатимизда ҳар йили маъмурий ва иқтисодий соҳада 18 миллиард ҳужжат амал қилади. Ҳар бири машинкада ўртача ўн саҳифадан иборат бўлган бу ҳужжатларнинг умумий ҳажми ақл бовар қилмайдиган рақамни ташкил этади: аҳоли жон бошига 140 босма табоқ, бошқача айтганда бешта қалин китобдан тўғри келади.

Сансалорлик-қоғозбозл и к иллати чирмовуқдай ўраб, вақтимизни ўғирлаётган бўлишига қарамай, биз бунга ҳамон лоқайд муносабатда бўламиз. Иллатга нисбатан лоқайдлик жиноятдир. «Хўш, сансалорлик учун судга бердингларми? — дейди В. И. Ленин Бутунроссия X партия конференцияси делегатларига мурожаат қилиб, — тўрт ёки беш марта қатнашга мажбур қилиб, ниҳоят идорадан расман тўғри деб жавоб олган бўлса-да, аслида ҳақоратланган ишчи ёки деҳқонни сарсон-саргардон қилган бюрократларни жавобгар қилиш тўғрисида халқ судьяларининг ҳукми қани?»

Бутуниттифоқ XIX партия конференциясида қоғозбозлик иш услуби қаттиқ қораланди. Бироқ, айрим жойларда қоғозбозлар ўз фаолиятларини хотиржамлик билан давом эттирмоқдалар.

Кўринган турибдики бу ишга мутасадди бўлган юқори ташкилотлар, хусусан район ижроия комитетлари меҳнаткашларни қабул қилиш, ариза ва шикоятлар билан ишлашда қатъий иш тутишлари, кишиларнинг оворагарчилик ва сарсонлигига барҳам берилиши керак.

Очил ТОҒАЕВ.



• *Узоқ-яқин ўтмиш воқеалари*

БИР ҚОРА ХАТ ТАРИХИ

1944 йил 21 августда денгиз авиациясининг штурмани лейтенант Ҳамид Саримсоқов жанговар топшириқни бажараётиб, ўз полкига қайтмади, Тошкентга, у қаҳрамонларча ҳалок бўлди, деган қора хат келди.

Ҳамид мактабдалик чоғида самолётлар ҳақида кўп ўйларди. Ўнинчи синфни битиргач, ҳарбий-денгиз авиация билим юртига ўқишга кирди. Урушнинг иккинчи куни курсант Саримсоқова бомбардимончи мерган ҳужжатини бериб, фронтга жўнатишди.

Ҳамид Болтиқ денгизида фашистлар флоти устига ўқ ёғдирди. Баренц денгизида иттифоқчиларнинг портларимизга ҳарбий техника ва ўқ-дорилар келтиратган кемаларни паналаб турди. Унинг жангдан-жангга тажрибаси ошар, жанговар дўстларидан жудо бўлар ва бу нарса ғазабига ғазаб қўшиб, душманга нафратини ошираверар эди.

Қирқ тўртинчи йилда полкни Қора денгизга ташлашди. Бу пайтда Саримсоқов ҳисобида душманнинг уриб туширилган учта «Мессершмитт»и, чўктириб юборилган бир нечта транспорт ва қўриқчи кемаси бор эди. Ўртоқлари уни, омадли йигит, дейишарди. Чунки, у билан бирга учишганда ҳамма вақт тирик ва зарар кўрмай қайтиб келишарди.

Қирқ тўртинчи йилнинг августида Констанцияга қилинган учиш Ҳамид учун охирги парвоз бўлди. Лочинлар топшириқни муваффақиятли бажаришди. Орқага қайтаётганларида уларнинг «П-2» самолётига биратўла тўртта «Мессершмитт» ҳужум қилди. Командир ҳалок бўлган, самолёт ёна бошлаган эди. Ҳамид сўнгги дақиқаларда парашютда сакрашга улгурди. Икки кеча-кундуздан кўпроқ денгизда сузди. Шўр сув этини ёв юборди. Ҳолдан ниҳоятда тойган эди. У ҳушидан кетаётганини сезиб, партия билетини, фотосуратини ва қуролини тўппонча қинига солиб чўктириб юборди.

Денгизда уни немисларнинг Руминиядан Болгарияга бораётган қўриқчи кемаси тутиб олди. Лейтенант ҳеч нимани билмасди. У душман кемасида 40 соат ётди. Варнада Саримсоқовни порт комендантига топширишди. Ҳамид у ердан қочишга ва Ватанга етиб олишга муваффақ бўлди.

Бу ерда эса уни қамоққа олишди. Ҳ. Саримсоқов уч ойдан кўпроқ вақт мобайнида асирга тушганлар ва қуршовда қолганлар учун ташкил этилган махсус лагерда ётди.

Орадан кўп ўтмай Саримсоқовни офицерларнинг штурмчи батальонига қўшишди. Жаримачиларни олдинги маррага жўнатишди. Улар Будапешт учун қўл жангини олиб бордилар. Мардларча олишдилар. Бутун батальондан фақат уч кишигина тирик қолди. Миномётдан кетма-кет отилган ўқлар Ҳамидни ҳам қулатди. Оёғидаги ўша ўн иккита осколка ҳозир ҳам ўз асоратини биллириб турибди.

Ғалабани госпиталда кутиб олди. Шифолаиб бўлгач, унга, ўз қони билан айбини ювди, деган справка берилди. Лейтенант ҳарбий унвонини тиклашди. Венага юборишди.

Кунларнинг бирида қараса, тўғридан таниш денгизчи авиаторлар келишмоқда. Ҳамид улар қаршисига югурди. Саримсоқовни ўзининг қадрдон полкига ўтказишга муваффақ бўлдилар. Армия сафидан демобилизация қилингунча ўша ерда хизмат қилди.

Урушдан сўнг ҳам анча вақтгача партия сафига тикланолмай юрди. Ниҳоят СССР Ҳарбий-Денгиз Флоти сиёсий бошқармасининг партия комиссиясига мурожаат қилишга мажбур бўлди. Масала ижобий ҳал этилди. 45-йилнинг сентябрида эса унга учинчи ордени — «Қизил Юлдуз»ни топширишди.

Ҳамид Саримсоқов кейинчалик Москва авиация институтини битирди. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида меҳнат фаолиятини мастерликдан бошлади. О. К. Антоновнинг конструкторлик бюроси бўлими бош конструктори ўринбосарлигигача бўлган йўлни босиб ўтди. Кўплаб «Ан»ларни яратишда иштироқ этди.

Олтмишинчи йилда кандидатлик диссертациясини ёқлади. Докторликни эса Тошкент политехника институтида ҳимоя этди. Республикада хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор Ҳамид Газизович Саримсоқов ҳозир шу олий ўқув юртининг самолёт конструкциялари ва уларни лойиҳалаш кафедрасига раҳбарлиқ қилмоқда.

45 йил муқаддам Ҳамид Саримсоқовни ҳалок бўлдига чиқаришган эди. Аммо у ўлимни доғда қолдириб, ҳамон сафимизда халқ бахт-саодати йўлида хизмат қилиб юрибди.

Суратларда: 1. Ҳ. Саримсоқов кекса коммунист И. Горский билан. 2. Бу сурат сўнгги жанговар парвоздан сал олдиноқ олинган эди. Унда ўнгдан иккинчи турган Ҳ. Саримсоқовни ва қора хатни кўриб турибсиз. Ушбу ҳужжат ҳозир Тошкентдаги СССР халқлари дўстлиги музейида сақланмоқда.

Р. Шагаев текстн ва фотолари. (ЎзТАГ).

ОҒИРИНИ ЕНГИЛ ҚИЛИБ

Гурлан район матлубот жамияти ташкил этган савдо-ишлаб чиқариш комплекси иш бошлаганига ярим йил бўлди. Ўтган вақт мобайнида комплекс аҳолининг кўплаб истакларини бажариб, 170 минг сўмдан ортиқ хизмат кўрсатди. Буюртма асосида ишлаётган бу комплекс цех ва савдо шохобчаларидан иборат. Дурадгорлик цехида дераза, эшик, курси каби уй-жой, рўзғор буюмлар тайёрланади. Магазинларда ёғоч материаллар сотилади. Истаган киши ёғочларни хоҳлаган шаклда қирқтириб олиши мумкин. Район матлубот жамияти ходимлари қишлоқ жойларда ҳам шундай хизмат кўрсатишни йўлга қўйишган. Чунончи ёғоч билан савда қилувчи 6 магазин хизматидан кўпчилик манфаатдор.

А. ҚОРЖОВОВ, «Совет Ўзбекистони» мухбири

• *Спорт*

ТЕННИС:

ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

Тошкентдаги «Динамо» теннис стадиони бир неча кун мобайнида гавжумлашиб турди. Бу ерда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети соврини учун тўққизинчи марта ўсмирлар халқаро мусобақаси ўтказилди. Мусобақада жами 11 мамлакатдан келган умидли теннисчилар қатнашди. Саралаш баҳсларидан кейин кучлилар аниқланди. Финал учрашувларида эса руминиялик Р. Драгомир ригалик А. Блумбергдан устун келиб, қизлар ўртасида ғалаба қозонди. Ўсмирлар ўртасидаги учрашувлар ҳам қизиқарли бўлди. Бунда С. Поспелов, ленинградлик И. Короленкони мағлубиятга учратди. Аралаш жуфтлик учрашувларида ригалик А. Блумберг билан У. Шушевиц, киевлик Т. Шодиев билан В. Егорованг совриндор бўлишди. Мусобақа чет эл теннисчилари билан совет ўсмирлари ўртасида дўстлик ва ҳамкорликни янада мустаҳкамланишида муҳим аҳамият касб этди.

ХОККЕЙ:

ҚИТЪА ЧЕМПИОНИ

Швеция пойтахтида ўтказилаётган жаҳон ва Европа чемпионатининг дастлабки босқич баҳслари якунланди. Саккиз команда совринли ўринларни эгаллашга ҳаракат қилди. Қитъа чемпиони сўнгги учрашувларда аниқланди. Ўйинларни мағлубиятсиз ўтказаётган совет хоккейчилари Швеция командаси билан ўйинда еттинчи марта ғалабага (3:2) эришиб, қитъа чемпиони бўлишди. Канада — ЧССР коллективлари ўйинида 4:2 ҳисоби қайд этилди. Шундай қилиб Канада ва Швеция командалари 10 тадан очко билан совет хоккейчиларидан кейин иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллашди. ЧССР хоккейчиларида 8 та очко бор. Ана шу кучли тўрт коллектив энди жаҳон чемпионлиги учун иккинчи босқич баҳсларида қатнашади.

●

«СПОРТЛОТО»

«Спортлото»нинг 23 апрель куни ўйналган 17-тиражида қуйидаги ютуқли рақамлар қайд этилди.

«45 дан 6»: 2, 14, 34, 37, 39, 43.

«36 дан 5»: 9, 10, 21, 28, 29. (ТАСС).

«Демократия — бу қонунчиликдир, ҳам маъмурлар, ташкилотчилар томонидан, ҳам барча гражданлар томонидан қонунларга қатъий риоя қилинишидир».

М. С. ГОРБАЧЕВ.

• *Очиқчасига гаплашайлик*

ҚОНУНДАГИ АДОЛАТ

ЁКИ ПАРДА ОРТИДАГИ ПИНҲОНИЙ ФИТНАЛАР

● Газетхон ушбу сарлавҳа остида ўткир фельетон ёки танқидий мақола ўқисак ажабмас, деб ўйлаши мумкин. Биз эса бу даъводан йироқмиз. Негаки, ёзганимизни мақола дейиш мумкин бўлса, сўзлайди. Далил, исботсиз лаш ҳам мумкинмас. бунда биз эмас, далиллар эса бировни айблаш ҳам, оқ

1988 йил 27 сентябрда Бухоро область партия комитети собиқ биринчи секретари И. Жабборов (ҳозир қамоқда) номига мактуб келди. Мактубни Бухоро Давлат педагогика институтининг «Совет давлати ва ҳуқуқи» кафедраси мудири, ҳуқуқшунослик фанлар кандидати Й. Мардонов (ушбу мақола авторларидан бири) ёзган эди. Муаллиф областда қонун ва адолат принциплари бузилаётганлиги фактига тўхталиб, амалий чоралар тўғрисида ўз тавсияларини таклиф этганди. Мактуб эгасини топдию, баҳосини топмади...

Инсон озодлиги ва ҳуқуқини таъминлаш, ҳимоя қилиш Октябрь революцияси ва коммунистик цивилизациянинг энг буюк ғояларидан биридир. Совет қонунларига кўра ҳеч ким ғайри қонуний қамоққа олиниши ва жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин эмас. Бироқ кейинги икки-уч йил ичида Бухорода ҳуқуқ-тартиботни ҳимоя қилувчи органларнинг хатоси билан кўплаб айбсиз кишилар ойлаб, ҳаттоки, йиллаб қонунсиз қамоқхоналарда сақланди, кейинчалик...

Биз ғайри қонуний қамоқда сақланишлар ҳақида матбуот чиқишлари-ю, газета редакцияларида оқ-воҳларга тўла ариза ва шикоятларнинг сонини санаш ниятида эмасмиз.

Хўш, нега Бухорода қонундан чекиниш ҳоллари юз бермоқда? Нега кишиларнинг қадр-қиммати, шахси, ҳақ-ҳуқуқлари, озодлиги топталяпти? Қонун ва қонунчиликка завол етказишдан мақсад нима?

ЎзССР Жиноят-процессуал Кодексининг 2-моддасида шундай сўзлар бор: «...Жиноят қилган ҳар бир кишига адолатли жазо берилсин ва айби бўлмаган ҳеч бир киши жиноий жавобгарликка тортилмасин ва ҳукм қилинмасин».

Шофиркон район сил касалликлари санаторийсининг бош врачи Раҳматулла Камолов область прокурори Г. Матюшовнинг санкцияси билан 1985 йил 24 декабрь куни тўсатдан қамоққа олинди. Унга гўёки давлатнинг 20 минг сўмга яқин маблағини мансабини суиистеъмол қилиш йўли билан ўзлаштирган деган сохта айб эълон қилинди. Бу айб ЎзССР Жиноят кодексининг 119-, 149-моддаларига тўғри келади. Мазкур моддалар билан айбдорни, ҳатто, энг олий жазога ҳам ҳукм қилса бўлар эди. Аммо Раҳматулла Камоловга қўйилган «айб» сохта далилларга асосланганлиги маълум бўлди. Шунинг учун ҳам уни қамашга қамашди-ю, ҳукм чиқариша олмади. Тергов вақтида йўл қўйилган қонунбузарлик ҳолларининг саноғига етиш мушкул. Биргина далилни эслатсак, кифоя: ЎзССР Жиноят-процессуал Кодексининг 79-моддасига кўра, тергов даврида эҳтиёт чораси сифатида қамоқда сақлаш муддати икки ой ва алоҳида ҳоллардагина юқорги прокурорларнинг рухсати билан бу муддатни 9 ойгача чўзиш мумкин. Аммо Р. Камоловни прокурор Г. Матюшовнинг айби билан тергов остидаги қамоқда ҳеч кимдан ва ҳеч нарсадан тап тортмай салкам икки йил сақлаб туришди. Айб барибир тасдиқланмади. Камолов республика прокуратурасининг 1987 йил 24 декабрдаги қарори билан оқланди. У ишга тикланди, 11 минг сўмдан ошиқ иш ҳақини қайтариб олди.

Бироқ гирромлик ҳам бўлди. Камоловнинг ғайри қонуний тарзда икки йилга яқин қамоқда сақланганлиги ҳақида, ҳатто, республика прокурори ўринбосари О. И. Гайданов ўзининг 1987 йил 29 декабрида Р. Камоловга ёзган (№15/1727-84 сонли) жавоб хатида «...Сизга етказилган зарарни ундириш ва Сизнинг поймол этилган ҳуқуқларингизни тиклаш Бухоро область прокурорига топширилди», деб ёзди. Таассуфки, унинг ҳуқуқлари (масалан партиявийлиги) ҳануз тўла тикланмади. Нега? Нима учун ҳуқуқ посбонлари етарли асосларга эга бўлмай раҳбар коммунистни қамоққа олишга шошилишди-ю, энди эса унинг ғайри қонуний поймол этилган ҳуқуқларини тиклашга шошилмаяптилар? Ё СССР Олий Совети Президиумининг 1981 йил 18 майдаги суриштирув, тергов, прокуратура ва суд органларининг ғайри қонуний ҳаракатлари натижасида етказилган зарарни ундириш тартиби тўғрисидаги Фармонининг Бухоро область прокурори ва бошқа мансабдор шахсларга дахли йўқми? Қонун барча учун баробар, шекилли?

Мана бу фактга ҳам эътибор қилинг.

Бухоро шаҳар Тўқимачилик район прокуратураси ва суди томонидан КПСС аъзоси, 163-қурилиш трестининг 397-кўчма механизациялашган колонна бошлиғи Рустам Имомназаров ЎзССР Жиноят Кодексининг 141-, 149-моддалари билан, яъни меҳнат қонунчилигини бузди ва мансабини суиистеъмол қилди, деб 1986 йил 21 августда асоссиз суд жавобгарлигига тортилди. Икки йил муддатга ахлоқ тузатиш ишига ҳукм этилди, партиядан ўчирилди. Бу «хайрли» ишга ҳам Бухоро область прокуратураси бошқош бўлиб турди. Адолатсизликка йўл қўйилди. Область суди жиноий-судлов коллегиясининг 1986 йил 24 ноябрдаги ва Ўзбекистон ССР Олий суди жиноят судлов коллегиясининг 1987 йил 25 июндаги ажримларига кўра Р. Имомназаров оқланди, ўз ишига ва партия аъзолигига қайта тикланди. Хўш, буни қандай изоҳлаш мумкин, бедодликми, адолатсизликми? Айбдорлар эса яна пинагини бузишмади. Уларини айбдор санашмади. Қонун доим биз томонда деб ўйласалар керак-да!

Далил тариқасида яна бир жиноий иш ҳақида ҳикоя қиламиз.

Ички ишлар органларида деярли 25 йил ишлаб, кейинги пайтларда Бухоро область ички ишлар бошқармаси жиноий-қидирув бўлимининг бошлиги вазифасида хизмат қилган милиция подполковники Салом Сатторов 1986 йил 25-май куни порахўрликда айбланди. Область прокурори Г. Матюшов санкцияси билан у қамоққа олинди. Бироқ, ўн тўрт ой қамоқда асоссиз ётиб, бир неча марта тергов ва суд муҳокамасидан сўнг айбсиз айбдор С. Сатторов оқланди. Ҳукмдорлар эса орадан бир йилу олти ой ўтганлигига қарамай С. Сатторовнинг барча гражданлик ҳуқуқларини ҳамон тиклаганлари йўқ. Қизиғи шундаки, бу «жиноий иш» тергов қилинган пайтда кўз кўриб, қулоқ эшитмаган қонунбузарлик ҳолларига йўл қўйилди. Юристларнинг ҳисобига кўра, айнан шу иш бўйича қонунсиз ҳаракатларнинг сони ўттизга яқин бўлган. Жумладан, ЎзССР Жиноят-процессуал Кодексининг 389-моддасида тергов вақтида эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олинганлар кўпи билан 3 кеча-кундуз вақтинча ушлаб турувчи изоляторларда (ИВС) сақланиши мумкин. Сатторов эса Пешку район ички ишлар бўлими ИВС ида 8 ой ётди.

Асоссиз қамоққа олинганлар ишини ўрганаётган пайтда «эҳтиёт чораси» деган бир жумбоққа дуч келасиз. Бу жумбоқ ЎзССР Жиноят-процессуал Кодексининг 72-моддасида айтилган эҳтиёт чоралари